



ТОШКЕНТ

ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 1 октябрь, жума • №79 (11.674) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига

Муҳтарам устозлар!

Қадрли ўқитувчи ва мураббийлар!

Авваламбор, халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб ва олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Табиийки, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўтабар бўлган улуг зот бу муаллим ва мураббийлардир.

Ўзининг бор меҳри ва қалб кўрини бола-ларга бериш, уларнинг ҳаётига маъно бағиш-лаш учун ўз ором ва ҳаловатидан воз кечи-б, дунёда билим ва маърифатдан қудратлироқ куч йўқ эканини йиллар, асрлар давомида исбот-лаб келаятган сиз, муҳтарам устозлар олдида бугун бош эгиб ҳар қанча таъзим қилсак, шаънингизга энг гўзал ташбеҳлар айтиб, са-мимий тилакларимизни изҳор этсак, арзийди.

Доимо эл-юрт ўртасида обрў-эътибор то-пган, эъзозлаб келинган ўқитувчилик касби айниқса бугунги кунда янада катта масъулият ва маъно-мазмун касб этаётганини ҳозирги шиддатли замон, олдимизга янги-янги муам-моларни қўяётган ҳаётимиз мисолида яққол кўриб турибмиз.

Бир ҳақиқатни чуқур англаб, унинг ҳукмрон-лигини амалга оширишни ўзимизга мақсад қилиб олишимиз даркор. Бугунги нотинч, ўта таҳликали, ўзаро тортишув, манфаатлар кура-ши авжга чиққан замонда эртанги кунимизга, дунё тан олган давлатлар қаторига чиқиши-мизга фақатгина билим ва маърифатга таян-ган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизни юк-сак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғи-миз мумкин.

Бошқача айтганда, биз ўзимизнинг олижа-ноб мақсадларимизга фақат маънавий ва жис-моний жиҳатдан соғлом, ўзининг қимлиги, қан-дай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур

англаган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган комил инсонларни, ёш авлодни тарбиялаш орқалигина етишга оламиз.

Бутун маърифий дунё англаб етаётган ана шу ҳаётий талабни инобатга олиб, биз таъ-лим-тарбия соҳасидаги ишларнинг самараси-ни янада ошириш, ўқитувчи меҳнатини муно-сиб қадрлаш масаласига катта эътибор қара-таётганимиздан, ўйлайманки, халқимиз, жамо-атчилигимиз яхши хабардор.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаятган, ўзининг дастлабки натижалари-ни бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дас-тури, яқинда қабул қилинган Умумтаълим мак-табларини ривожлантириш давлат дастури бизнинг бу йўлда барча имкониятларни сафар-бар этаётганимиздан далолат беради.

Биз қатъият, ишонч ва эътиқод билан бош-лаган бу ишларимизни албатта охирига етказ-замиз.

Айни пайтда нафақат бугунги кунимиз, бал-ки келажакимизга ҳам дахлдор бўлган бу ма-саланинг пировард натижаси сизларнинг ма-шаққатли меҳнатингиз, билим ва маҳоратин-гизга, ватанпарварлик фазилатларингизга бо-ғлиқ эканини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қила-миз ва бу ишда аввало сизларга таянамиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон ҳоли тасаввур қилолмайдиган минг- минглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт олдида, келажак олдида қилаётган хизматла-рингиз учун миллионлаб шогирдларингиз но-мидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан сиз-ларга яна бир бор таҳсин ва ташаккурлар айтишга ижозат бергайсиз.

Сиз, азизларни кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиз-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларин-гизга файзу барака тилайман.

Умрингиз маърифат нуридек ёруғ ва беза-вол бўлсин, муҳтарам устозлар!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

• Бугун – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Эъзоз

Инсон камолга етиб, дунёни танишида, ҳаёт-да ўзининг муносиб ўрнини топишида устоз ва мураббийларнинг хизмати беқиёс.

Қадим-қадимдан устозлардан сабоқ олиб, мураббийларни бир умр эъзозлаб, қадрлаб ўтган миллатимиз. Маънавий қадриятлар ва халқимизнинг маданий мероси шу тариха ав-лоддан-авлодга ўтиб, янги қирралар билан тўлиб, навқирон авлодлар камолотида хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида бу узвийликнинг аҳамияти минг чандон ортиб, устоз ва му-раббийлар сабоғига интилиш кучайди. Бугун замонавий таълим технологиялари билан қуролланган ўқитувчи ва мураббийлар мак-табларда, лицей ва коллежларда, ўрта мах-сус ва олий ўқув юртларида мустақил Ўзбе-кистонимизнинг орзу-умидлари – навқирон ўғил-қизларимизга сабоқ бермоқдалар. Улар қадим миллий урф-одатларимиз ва анъана-ларимизни умуминсоний қадриятлар билан уй-ғунлаштириб, ёшлар меҳнатсевар, ўз мамла-катининг асл ватанпарварлари бўлиб вояга етишлари учун бутун тажриба ва малакалари-ни сарфламоқдалар. Халқ, эл-юрт, Ватан ўқитувчи ва мураббийларимизнинг қунт, са-бот билан қилаётган меҳнатларини муносиб тақдирламоқда.



СУРАТДА: ўқувчилар Бекобод шаҳридаги 16-ўрта умумтаълим мактаби тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси, II даражали «Соғлом ав-лод учун» ордени нишондори Ёқутхон Мир-комиловани байрам билан қутлашмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

(Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган материалларни 3-бетда ўқийсиз).

• Вилоят кенгаши сессияси

Долзарб масалалар кўриб чиқилди

Иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенга-шининг XXIII сессияси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, вилоят кенгашининг раиси Козим Тўлаганов бошқарди.

Депутатлар «Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқа-ри сессиясида сўзлаган нутқи-дан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги масалани муҳока-ма қилишди. Вилоятда ислохот-ларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни эркинлаштириш, са-ноат, қишлоқ хўжалиги ва иж-тимоий соҳаларни жадал тарақ-қий эттириш борасидаги дас-турлар бажарилишининг бори-ши таҳлил қилиб чиқилди. Ҳал-лачилик, пахтачилик соҳалари-даги муайян нуқсонлар тилга олиниб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида фикрлашилди. Ерларни талон-тарож қилиш, ундан оқилона фойдаланмаслик ҳолатлари тил-га олиниб, бу камчиликлар юза-сидан амалий чоралар кўриш лозимлиги алоҳида таъкидлан-ди. Фермер хўжалиқларини таш-кил этиш борасида йўл қўйи-лаётган камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Сессия Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашига сайлов ўтказувчи Вилоят сай-лов комиссиясини тузиш ҳамда

халқ депутатлари Тошкент ви-лоят кенгашига сайлов ўтказув-чи сайлов округлари сони ва ок-руглар бўйича сайловчилар сони меъёрларини белгилаш ҳақидаги масалаларни ҳам кўриб чиқди. Бу масалалар юза-сидан алоҳида-алоҳида ахбо-ротлар тингланиб, сессияда «Халқ депутатлари вилоят, ту-ман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига асосан Халқ де-путатлари Тошкент вилоят кен-гашига сайлов ўтказувчи вило-ят сайлов комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди. «Маънавият ва маърифат» мар-кази Тошкент вилояти бўлими-нинг раиси Суяржон Машари-пович Қурбонқулов Халқ депу-татлари вилоят кенгашига сай-лов ўтказувчи вилоят комисси-ясининг раиси этиб тасдиқлан-ди.

Мазкур Қонуннинг 7-модда-сига мувофиқ вилоятда Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округи тузишга қарор қилинди. Битта сайлов округи ўртача 24 минг сайловчи ҳисо-бидан белгиланди.

• «Шарқ гўзали – 2004»

Бадий гимнастика юлдузлари – Тошкентда

Мамлакатимиз пойтахтида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги мусобақаларининг Ўзбекистонда ўтказиладиган босқичи – «Шарқ гўзали – 2004» турнири очилди.

Ушбу турнир рес-публика Маданият ва спорт ишлари вазир-лиги, Ўзбекистон Хо-тин-қизлар кўмитаси, Бадий гимна-стика кўмитаси, Мил-лий олимпия кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими ва-зирлиги томонидан ташкил этилди.

Бундай нуфузли турнирнинг айнан Тошкентда ўтказилаят-гани бежиз эмас, албатта. Ха-лқаро гимнастика федераци-ясининг Жаҳон кубоги мусо-бақалари навбатдаги босқичи учун бизнинг мамлакатимизни танлагани Ўзбекистонда спортнинг бу нафис ва гўзал тури халқроқ талаблар дара-жасида ривожланиб бораётга-ни ва ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида салмоқ-ли ютуқларга эришяётганлик-ларининг эътирофидир. Дар-ҳақиқат, Бухоро, Хоразм, На-воий вилоятларида жаҳон ан-дозалари талабларига тўла

жавоб берадиган за-монавий бадий гим-настика заллари кўпдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Қолган вилоятларда ҳам шундай мукамал иншоотлар қурилиш давом этмоқда. Қола-верса, жаҳон бадий гимна-стикаси юлдузлари сафидан жой олган Алина Кабаева, Ве-нера Зарипова, Елена Холо-дова каби спортчилар Ўзбе-кистонда етишиб чиққан.

Тошкент турнирида Россия, Беларус, Польша, Малайзия, Хитой (Тайпей), Исроил, Гру-зия, Озарбайжон каби дунё-нинг ўн бешга яқин мамлака-тидан кучли гимнастикачилар иштирок этмоқда. Ўзбекистон шарафини эса, халқаро тои-фадаги спорт усталари Алеся Атаева ва Анастасия Берес-тецкая, спорт устаси Екатери-на Бабина, спорт усталигига номзодлар Рита Алимова, Раъно Муҳаммедова ҳимоя қилишади.



● Кучли давлатдан – кучли жамият сари

Сайловолди конференцияси

Пойтахтдаги Муқимий номи театрдa Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент вилояти ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди.

Шу йил 26 декабрда парламент ва маҳаллий вакиллик кенгашларига сайловлар муносабати билан ўтказилган ушбу анжуманда партия вилоят кенгашининг фаолияти, тафтиш комиссияси ва матбуот марказининг ҳисоботлари, сайловолди ҳаракат дастурининг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокама қилинди. Шунингдек, партиянинг Тошкент вилояти кенгаши аъзоларини, Назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркибини, партия курултойига делегатларни сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий кенгаши раиси Иброҳим Ғофуров, Тошкент вилояти кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова, Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов сўзга чиқиди.

Ўз мухбиримиз.

Поездлар қатнови тезлашади

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси мутахассислари ишлаб чиққан янги лойиҳага кўра шаҳар атрофидан ўтадиган темир йўллар тўла электрлаштирилади.



Тошкент-Хўжакент, Тошкент-Чиноз йўналишларида ҳам бундай ишлар охирига етказилади. Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Қарши йўналишини ҳам электрлаштиришга киришилади.

Акбар АЛИЕВ.

● Пахта – 2004

Юқоричирчиқ суръатни оширмоқда

Об-ҳаво қулай келаётганидан самарали фойдаланиб қолиш мақсадида мавжуд барча куч ва имкониятларни йиғим-теримга тўла сафарбар этишга эришаётган туманларда кунлик суръат вилоят бўйича ўртача даражадан анча юқори бўлмоқда.

Хусусан, Чиноз тумани хўжаликлари бир неча кундан буён йиллик режанинг 5 фоизидан ошириб пахта тайёрлашга эришаётган бўлсалар, юқоричирчиқликлар ҳам терим суръатини кундан-кунга кучайтириб, 5 фоизли даражага кўтарилдилар. Шунингдек, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Пскент, Бўка туманларида ҳар куни қабул пунктларига йиллик режанинг 4-4,4 фоизи миқдорида хом ашё етказиб берилмоқда.

Йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораётган туманларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли кунлик суръат вилоят бўйича ҳам 4 фоиздан юқори бўлаяпти. Масалан, ўтган куни вилоятимиз далаларидан 11140 тонна ҳосил йиғиб-териб олинди. Бу йиллик режа-



га нисбатан 4,05 фоизга тенгдир. Шу кунгача тайёрланган жами пахта хом ашёси эса, 35,63 фоизга етди.

Кейинги кунларда машина теримига эътибор кучайтирилгани айрим туманлардаги кунлик терим салмоғида яққол сезила бошлади. Хусусан, ўтган куни Оққўрғон туманида машиналар билан 333 тонна, Ўртачирчиқ туманида 286 тонна, Қуйичирчиқ туманида 229 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Таъкидлаш жоизки, Қуйи-

чирчиқ туманида машиналар ишга туша бошлаганига қарамай, кунлик ўсиш деярли сезилмаяпти. Чунончи, ўтган куни туманда 3,06 фоиз пахта тайёрланди. Бу туманлар орасида энг паст кўрсаткич бўлиб, вилоят бўйича ўртача суръатдан ҳам анча орқададир. Бундан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, туманда қўл терими шу куннинг талаби даражасида ташкил этилма-япти. Шунингдек, Бекобод, Юқоричирчиқ ва Янгийўл ту-

манларида машиналар шу кунгача ишга туширилмаётганини ҳам ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди, албатта.

СУРАТДА: «Эшонабод» ширкат хўжалиги нафақат Чиноз тумани, балки вилоятда биринчилар қатори режани бажарган бўлсада, терим қизгин давом этмоқда. Хусусан, Гулчеҳра Бектасова ҳамон кунига 100 килограммдан ошириб пахта термоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

● Қишлоқ ва ислохот

Изланган имкон топади

Ўртачирчиқ тумани Ким Пен Хва номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида яхши ният билан «Саид овул» фермер хўжалигини ташкил этганимизга тўрт йил бўлди. 200 гектарга яқин экин майдонида, асосан, пахта, ғалла ҳамда шоли етиштиряпмиз. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехникасига қатъий амал қилаётганимиз самараси ўлароқ ҳосилдорлик йилдан-йилга ортмоқда, ғалла ва пахта топшириш бўйича тузилган контрактация шартномалари муттасил бажарилаётир.

Даромадимизнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қўшимча ишчи ўринларини очиш, деҳқонларимиз моддий манфаатдорлигини оширишга сарфланаётир. Хусусан, кунига эллик тоннагача донни тозалаб, уруғлик ғалла тайёрлаш қувватига эга цех ташкил этилди. Шу кунга қадар давлатга минг тоннадан зиёд юқори сифатли уруғлик ғалла сотилди. Айни вақтда бир иш кунинида йигирма тоннагача шолини оқлаб берадиган цех ҳам ишлаб турибди.

Давлатга сотилган пахта эвазига олинаётган кунжара ва шелуха, сомон, цехдан чиқадиган ғалла чиқиндисини чорвачилик билан ҳам шуғулланишимизга имкон яратди. Икки юз бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик фермаси ташкил этилди.

Сир эмаски, фермерга техника сув ва ҳаводек зарур. Техника ўзининики бўлса, машаққатинг камайиб, даромаднинг ортади. Шу боис Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан уч йил муддатга 31 миллион сўмлик кредит

олиб, ана шу мақсадга йўналтирдик. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда асқотадиган барча турдаги техника ва механизмларга эгамиз.

Шу боис қўшни фермер ва ширкат хўжаликлари ҳам шартнома асосида техник хизмат кўрсатаётимиз. Бу бизга қўшимча даромад келтириш билан бирга, қўшни фермерларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Мўл ҳосил етиштириш учун тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Ер 45-50 сантиметр чуқурликда шудгордан чиқарилади. Сизот суви яқинлигини ҳисобга олиб, 11,5 километрлик зовур қазидик. Ҳар гектар ерга ўртача йигирма тоннадан чирган гўнг солиняпти. Минерал ўғитлар учун сарфланадиган маблағ анча тежалмоқда.

Пировард натижада пахтадан – қирк, ғалладан эса олтиш центнердан ошириб хирмон кўтараётимиз. Ваҳоланки, шу ердан собиқ ширкат хўжалиги кўтар-

ган ҳосил – пахтадан 18-20, ғалладан 22-25 центнерга ҳам етмаган.

Ҳозир хўжалигимиз етти йўналиш бўйича фаолият юритмоқда. Даромаду буромад ҳам шунга яраша. Ўтган йилнинг ўзида икки юз миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Соф фойда эса олтиш миллион сўмни ташкил этди.

Эндиги режамиз – сутни қайта ишлайдиган, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ишлаб чиқарадиган цехлар очиш.

Фермер хўжалигимизда етмишдан кўпроқ киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлик маоши 45-50 минг сўмдан кам эмас.

Эришаётган бу ютуқларимизнинг бош омили Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрлиги самараси деб биламан. Биз, фермерлар ҳам бундай улкан эътиборга муносиб иш юритишимиз, халқимизнинг дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлишига, давлатимизнинг иқтисодий юксалишига муносиб улуш қўйишга интилишимиз зарур.

Маматкул САЛОМОВ,

Ўртачирчиқ туманидаги «Саид Овул» фермер хўжалиги раҳбари. (ЎЗА).

● Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Табийий даво дорилари

«Мовий тоғ» («Синегорье») номи билан аталувчи бу ширкат ташкил топганига олти йил бўлмоқда.

Шу давр ичида унинг кичик жамоаси бозор талабларини ҳисобга олиб, маҳсулот турини ўзгартириб борди. Аввал ўз фаолиятини атир-упалар тайёрлашдан бошлади. Кейинги йилларда эса, турли данак ёғларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шундан кейин ҳам изланиш давом этди. Янги технологияларни жорий этиш натижасида ҳар

хил доривор ўсимликлар ёғларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозир жамоа буюртмачиларга бодом, газанда (қичитқи) ўт, қариқиз, наъматак ёғларини етказиб бераяпти. Улар қимматли табийий дорилардир. Бодом мағзида 42-62 фоиз ёғ бўлиб, у турли касалликларни даволашда ишлатилади. Газанда ўтнинг ёғ экстракти дори-дармон сифатида

кўплаб соҳаларда қўлланилади. Қариқиз косметикада кенг ишлатиладиган фойдали моддаларга бой. Наъматакнинг ўзи, унинг ёғи ҳам шифобахш эканлигидан хабардор бўлмаган фуқаролар кам топилса керак. Унинг мевасида 6 фоизгача табийий аскорбин кислотаси борлигининг ўзи ниҳоятда фойдалилигидан далолат беради. Бу модда наъматакда лимондагидан 50 баробар кўп.

Бодом ва сафрон ёғларини тайёрлаш технологиялари сертифициланган. Ўтган йили жамоа 1,8 миллион сўм соф фойда кўрди.

Ширкат «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Ангрен шаҳри бўйича босқичида тадбиркорлар йўналишининг ғолиби бўлди ва қимматли мукофот билан тақдирланди. Қатор корхоналар ва ташкилотлар билан харид қилиш юзасидан шартномалар тузилган. Бу истиқболга ишонч билан қараш имконини беради.

Ширкат маҳсулотларига талаб ортиб бораёпти. Шунинг учун жамоа бундай маҳсулотларни тайёрлашни кўпайтириш ва унинг янги-ларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадидаги изланишларни давом эттираяпти.

Собир ҲАМИДОВ.

«Бизнес адвокация»

Оҳангарон туман «Тадбиркор аёл» уюшмасида ана шу мавзудаги семинар бўлиб ўтди. «ЕС-Евро» жамияти вакиллари томонидан ташкил этилган ушбу семинардан мақсад Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ечимини топиш йўллари кўриб чиқиш, тадбиркорликни эндигина бошлаётган аёлларга тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериш, амалиётга кириб келаётган замонавий услубиятлар билан тингловчиларни таъиништиришдир. Семинарда 20 дан зиёд тадбиркор иштирок этди.

Хурида МҲМИНОВА.

Бугун — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

Мукофот муборак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 29 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар кун муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнани кўрсатган ходимлардан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, ордени ва медаллари билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Хунохунова Мукаддам Жўраевна — Оққўрғон туманидаги 49-ихтисослашган мактабнинг кимё ва биология фани ўқитувчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Тўлаганова Муҳайё Мир-усмоновна — Янгийўл туманидаги 3-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

нидаги 3-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Камолиддинов Махсум Қиёмиддинович — Тошкент туманидаги 14-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси.

«ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Норметов Миллавой Жумабоевич — Бўстонлиқ туманидаги 44-мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

нидаги 44-мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Хотамова Умида Жўраевна — Пскент туманидаги 79-махсус ёрдамчи мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Ашуров Абдурахмон Рўзиевич — Ўртачирчиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабнинг мураббийси.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Беликова Тамара Ивановна — Бўка туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси;

Фозилова Раъно Тўлагановна — Чиноз туманидаги 40-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

адабиёт фани ўқитувчиси.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдизимова Ҳамида Абдуллаевна — Зангиота туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси;

Алибеков Мурод Собирович — Куйичирчиқ туманидаги 55-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси;

Дўсмазова Муборак Ўктамовна — Бекобод туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси;

Турдиева Махфират Маҳкамовна — Олмалиқ шаҳридаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси;

Холмирзаев Бахтиёр Шомирзаевич — Қибрай туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси;

Шорустамова Дилбархон Сотиволдиевна — Оҳангарон шаҳридаги 2-мактабнинг география фани ўқитувчиси.

Ҳорманг, устозлар!

Кўнги тўридан жой олиб, бамисоли йўлчи юлдузлардек, бир умр ҳаёт йўлини ёритиб турувчи устозлари бўлган инсон бахтиёрдир.

Бундай кишилар ҳаётнинг паст-баландликларида ўзларини қандай тутишни, турмуш сир-синаотларига бардош бериб, умр деб аталмиш бу дунё ташвишларини сабот билан енгиб ўтишни улардан ўрганилади. Шу боис ҳар биримиз ҳамиша қўлимиз кўксимизда, устозларимиз олдиларида таъзимдамиз.

Бу йил ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносиб нишонламоқдамиз. Халқ таълими соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, янги педагогик технологияларни изчил татбиқ этиш, баркамол инсонни тарбиялаш борасида ижодий меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларни юрт шу тариқа шарафламоқда.

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини нишонлашга халқимиз анча олдиндан тайёргарлик кўрди. Таълим-тарбия муассасаларида «Устозлар даврасида» мавзусидаги ижодий учрашувлар, маънавий-маърифий кечалар, кўрик-танловлар ўтказилди.

Устозлар байрами арафасида мактабгача таълим-тарбия муассасаларидаги ишлар яна ҳам жонланди. Кўпгина болалар богчасида «Қўғирчоғим-овунчоғим» кўргазмалари тadbирлари ўтказилди. Икки-уч авлод мураббийлари билан учрашувлар мактаблар ва бошқа таълим муассасаларида ҳаяжонли тус олди. Бир қатор қишлоқларда, шаҳар ва шаҳарчаларда «Уста-шогирд» кўргазмалари ташкил этилиб, уларда чевар аёллар, уста мураббийлардан таълим олаётган шогирдлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар намойиш қилинди.

Бугун вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида каттаю кичик ўқитувчиларни, тарбиячиларни байрам билан муборакбод этмоқда. Устоз ва мураббийларга гулдасталар тақдим этилмоқда. Кўнги тўридан жой олган инсонларни эл олқишламоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.



Айниқса, ўқитиш услуби, ўқувчилар билан ишлаш тажрибаси, «Панорама» кўргазмалари дarsi, ота-оналар билан ҳамкорлик, синфдан ташқари машғулотларни юксак савияда ташкил этаётганлиги эътироф этилган.

У давлатимизнинг юксак унвони, ордени-медаллари, фахрий ёрликларига сазовор бўлди. Олий анжуманлар — Бош майдонда истиқлол байрами тантаналари, республика педагогларининг XIX конференцияси, ўқитувчилар ва мураббийлар кун муносабати билан пойтахтимизда ўтказилаётган ҳар йилги улкан тadbирларга Фаниматхон Абдуғафурова тақлиф этилади. Бир мактабда, бир сафда туриб ёшларга тарбия бераётганини кўриб, машаққатли меҳнати зое кетмаётганидан роҳатланади. Дарвоқе, ўқувчилари вилоят, республика фан олимпиадаларида голиб бўлиб, фахрли ўринларни олиб қайтишади-ю, устозлари ҳузурига ошиқади.

Яна бир жиҳат. Оиласидаги мўъжазгина мактабда дарсдан сўнг, дам олиш кунлари, кези келса оқшомлари ҳам машғулоти олиб боради. Ҳар йили ўн нафардан ортиқ йигит-қиз олий илмгоҳларга кириб, ҳовлисига табассумла қадам ранжида қилган вақт дунёга сиғмай кетади. Юртига, одамларга, болаларга кераклигини яна

Беором қалб

Боғишамол қишлоғи марказида, мўъжазгина, аммо кўркем бир хонадон бор. Унинг соҳибаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Фаниматхон Абдуғафуровани пойтахт вилоятининг маорифчилари, республика мактабларининг она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг аксарияти яхши танишади.

юрак-юракдан ҳис этади-ю, бахтиёр онлардан ҳузур олади. Бу бир қишлоқ зиёлиси учун энг олий фазилат эмасми?

— Ҳаёт — буюк устозим. Яхши ва ёмонни ажратдим, қандай яшаш кераклигини яхшилардан ўргандим. Китоб — битмас-туганмас хазина эканлигини англадим. Қудратли куч, зиё, нур дея унга талпиндим. Бекор вақтимда китоб мутолаа қиламан. Илмни машаққатсиз эгаллаб бўлмаслигини, оддийлик, камтарлик, ростгўйликни мана шу китоблардан жуда эрта илғаб олдим. Менга ёзишни, ўқишни ўргатган биринчи ўқитувчим Тўйжон опа Тошматовнинг ёрқин сиймоси ҳануз кўз ўнгимда. Устозим Ашурали ака Мамтисоқовни ёш ўқитувчиларга меҳрини бериши, қаттиққўллиги, ўз фанининг ҳақиқий билимдони, дилкаш инсон эканлиги учун ниҳоятда ҳурмат қиламан, қадрлайман.

... Вақт чошгоҳдан ўтиб қолган бир палла дарвоза олдиға яшил рангда янги «Нексия» келиб тўхтади. Кўзойнакли, бир аёл машинадан тушди.

Ҳовлидаги гап-сўзлар Фаниматхоннинг қулоғига чалинди шекилли, болаларга танаффус бериб, меҳмонлар томон кела бошлади. Юзларидан нур, самимийлик уфуриб турган, ўз ҳаётини маориф соҳасига, болаларга билим беришга сарфлаб келаётган меҳрибон устоз, Фаниматхонни кўришди-ю, сўридаги ёшлар унинг иссиқ бағрига отилишди...

Турсунали УСМОНОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Фаниматхон Абдуғафурова.

Муаллиф олган сурат.

Ҳамиша таъзимдамиз

Инсон камолотида мактабнинг ўрни бекиёс. Устоз ва мураббийлар байрамида биз — кечаги ўқувчилар бундан айниқса чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Бугун устоз ўқитувчиларга дил изҳорларимизни баён қиладиган кун. Аввало, улар-

га таъзим қилиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Шу байрам кунини мен бош-

ланғич синф ўқитувчимиз Мария Константиновна Горбунова панд-насихатлари, берган тарбияси учун алоҳида миннатдорчилик билдираман. Бу бағри кенг инсон Назарбекдаги 8-ўрта мактабни битириб чиққан минглаб йигит-қизларнинг қулфи-дилини очди, одамгарчиликдан, инсоний-

ликдан бир умрлик сабоқ берди. Бизни дўстлик, аҳиллик, қадрдонлик деб аталмиш фазилатлар мамлакатига олиб кириб, дунёни танитди. Шу боис меҳрибон бу устознинг барча шогирдлари ҳамиша қўлимиз кўксимизда, бир умр таъзимдамиз.

З. САЛИМОВА.

Қишлоқда байрам дастури

Ҳаётда касб-корлар кўп. Албатта, ҳар бирининг ўз ўрни, қадр-қиммати, ўзига хос машаққатли жиҳатлари ва гашти бор.

Лекин, улар ичида ардоқлиси — ўқитувчилик. Ҳар қандай инсон ана шу касб эгасининг серзаҳмат меҳнати туфайли илк бор ҳарф танийди, ёзишни, хижжалаб ўқишни ўрганади. Унинг сабоқлари орқали фан оламига тетапоқа қадам қўяди, қалбида беғубор орзулар куртак ёзади, кенг оламни таний бошлайди. Ана шу касб эгасининг кўз нури, соч оқлари, юрак кўри, юз ажинлари, бедор тунлари, яшаган умри эвазига тафаккури теранлашади, камолот сари юз тутари.

Аслида, муаллим меҳнати таърифига оид бу гаплар янгилик эмас. Лекин бу фикрлар қанчалик такрорланмасин, оҳори тўқилмайди, жозибасини йўқотмайди, аксинча бетакрор мазмун, маъно касб этаверади. Зеро, келажакимиз ҳам муаллим олдиға қўйилган ягона ва асосий вазифанинг қай даражада бажарилишига боғлиқ. Ҳеч муболағасиз ўқитувчи ва мураббийлар байрамининг нишонланиши ҳам ана шу касб эгаларига бўлган юксак эътиборнинг намунаси деб биламан.

Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида ўтказилган «Устозга таъзим» байрам дастури ҳам ана шундай заҳматкаш, аммо шарафли касб эгаларининг фаолиятига бағишланди. Уни тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократлар партиясининг Тошкент вилоят кенгаши ташкил этди. Тadbирга партия фаоллари, тумандаги коллеж, лицей ва ўрта мактабларнинг устоз ва мураббийлари тақлиф этилди.

Туман ҳокими Максим Тиллабоев устоз ва мураббийлар ҳақида илиқ гаплар айтди.

Шу кун фахрий мураббийлар, ўқув юртлари, мактабларда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Тумандаги 52-мактаб ўқувчиларининг саҳна чиқишлари, таниқли санъаткорлар ижросидаги куй ва кўшиқлар байрам иштирокчилари кўнглига кўтаринкилик бахш этди.

Раъно ХОЛИҚОВА.

Dushanba

4

«Ўзбекистон»

6.00 Ассалом Ўзбекистон
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ-маркет
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал
9.40 «Қалбингизда сўнмасин зиё»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.55, 16.25 ТВ-анонс
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача»
12.25 «Чемпионнинг

мактаби»
12.45 «Дастирхон атрофида»
12.55 Эстрада тароналари
13.15 «Устаси фаранг». Бадий фильм 1-қисм.
14.10 «Иктидор». Телеуйин.
14.55 Кундузги сеанс: «Келинининг отаси». Бадий фильм.
16.30 1. «Ўлғаший поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион уйин.
17.30 «Ғарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 6-қисм.
18.10 Мусикий альбом.
18.20 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Анхор ҳаёт суви...» Премьера.
18.30 «Қалб гавҳари».

18.50 «Эл саломатлиги йўлида»
19.05 «Мулкдор»
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари
20.30 «Ахборот»
21.05 МСК хабарлари
21.15 2004 йил - «Меҳр ва муруват йили». «Химмат»
21.30 «Ўлмас наволар» О. Худойшукуров.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Муҳаббат ва эҳтирос» (Корея)
22.55 «Оханглар оғушида»
23.05 «Ахборот - дайжест»
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта

ичида.
17.30, 19.45, 22.40 ТВ-анонс
17.35 «Янги авлод» студияси: Ҳар соҳага саёҳат.
17.55 «Ўткининг хомушлик касалига чалингани» Мультфильм.
18.05 Куёшли юрт одамлари
18.25 Ёшлар овози
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.50 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 Мусикий лаҳзалар.
20.20 Қизил худуд
20.40 «Ёшлар» телеканалида премьераси.
«Муҳаббат моҳароси». Телесериал
21.30 Бир ўлкаки...
21.50 Олтин мерос.
22.45 Футбол-плюс.
23.05 «Ёшлар» телека-

налида спорт дастури: Интерфутбол
00.45-0.50 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даража бурчак остида»
17.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.50 «Хориж хабарлари»
17.55, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болалар қажажон»
18.30, 20.00, 21.10, 21.50 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Муруват»
20.40 «Сухбатдош»
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
22.10 «Ёшлар даврасида»
22.40 Кинонигоҳ.

«Фантастик саёҳат». 00.20-00.25 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Футбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати.
«Севинч»-«Гулбаҳор»
9.45 Баскетбол.
Ўзбекистон Кубоги.
10.15 Жаҳон спорти: «Проф - РИНГ»
11.05 «Шахсий фикр». Бадий фильм.
12.05-13.00 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт антракт»
17.20 «Ё устидан, ё остидан». Н. Фоменко билан беллашув.

18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Мени кутгил»
20.00 «Время»
20.30 «Спортимиз маликалари»
20.45 «3-тайм»
21.00 Хабарлар.
21.15 «Спорт клуб»
21.30 Чемпионлар лигаси.
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
16.55 гача профилатика ишлари
16.55 Открытие программы 17.00 «Телехамкор» 17.20 «Детский час»
18.00 Киновечер на «30-м»: «Спорт будущего», остророжественный фильм 19.40 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Я всё решу сама», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.15 «Телехамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.10 Киновечер на «30-м»: «У зеркала два лица», мелодрама 00.00 Программа передач

Seshanba

5

«Ўзбекистон»

6.00 Ассалом Ўзбекистон
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет
8.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.
9.30 «Табиат шифохонаси»
9.40 «Шеърга кўчган кўнгил»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Мулкдор»
10.25 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадий фильм. 1-қисм.
11.45 «Эл саломатлиги йўлида»
12.05 Болалар учун. Саргузаштлар ороли.
12.35, 16.30 ТВ-анонс
12.40 2004 йил - «Меҳр ва муруват йили». «Химмат»
12.55 «Устаси фаранг». Бадий фильм. 2-қисм.

13.40 «Ўзбекистон бастакорлари»
14.10 Кундузги сеанс: «Нобб тур». Бадий фильм.
15.25 1. «Туғилган кун». 2. «Кувноқ стартлар»
16.25 «Ғарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 7-қисм.
16.50 ТВ-клип
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Остонаси тиллодан»
18.30 «Репортаж»
18.35 «Спорт маликалари»
18.55 Бир жуфт кўшиқ
19.05 «Тафсилот»
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».

21.05 «Истеъмолчи»
21.25 «Хониш»
Мусикий дастур.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Муҳаббат ва эҳтирос» (Корея)
22.55 «Оханглар оғушида»
23.05 «Ахборот - дайжест»
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод.
8.50, 17.00, 22.40 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00, 13.00, 16.00 Давр
9.25 «Давр» - репортаж
9.35 «Муҳаббат моҳароси» сериал.
10.15 Футбол - плюс.
10.35 Марказий сайлов комиссияси хабарлари
10.50 Болалар шеърлари.
11.05 «Фил йўқолди». Бадий фильм.
12.10 «Куёшли юрт

одамлари»
12.30, 18.25 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Кундуз амакининг хикоялари» Мультсериал.
13.25 «Янги авлод» студияси: Ҳар соҳага саёҳат.
13.45 Бир ўлкаки...
14.05 Интерфутбол
15.45 Қизил худуд
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
17.30 Ёшлар куйлаганда
17.50 «Таянч»
18.10 Янги алифбони ўрганамиз
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью
19.50 Ишга марҳамат!
19.55 Сайлов - демократия кўзгуси.
20.15 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.40 «Муҳаббат

моҳароси». Телесериал.
21.30 Марди майдон.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Инспектор». Бадий фильм
00.10-0.15 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даража бурчак остида»
17.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.50 «Хориж хабарлари»
17.55, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Аёллар салтанати»
21.20 «Билим» телеклуби.
22.00 «Инсон ва қонун»
22.20 Кинонигоҳ: «Ошику бекор»
23.55-24.00 Хайрли

тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 Футбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати. «Андижанка»-«Севинч»
10.00 Баскетбол.
Ўзбекистон Кубоги.
10.30 От спорти бўйича халқаро турнир.
11.05-13.00 «Оқ қузнун». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 «Ё устидан, ё остидан». Н. Фоменко билан беллашув.
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузнун». Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Спорт менинг

ҳаётим»
21.00 Хабарлар.
21.15 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати. 1-тур.
21.50 Жаҳон спорти: Еврофутбол.
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор» 12.30 «Детский час»
13.00 «Я всё решу сама», сериал 14.00 Художественный фильм, мелодрама 15.30 «Ошикона», мусикий дастури 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Телехамкор» 17.20 «Детский час» 18.00 Киновечер на «30-м»: «Группа захвата», остророжественный фильм 19.40 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Я всё решу сама», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.15 «Телехамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Мимино», комедия 00.00 Программа передач

Chorshanba

6

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли сериал.
9.25 «Остонаси тиллодан»
9.45 «Най наволари»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Тафсилот»
10.25 «Пан Кляксанинг саргузаштлари» Бадий фильм. 2-қисм
11.40 Спорт маликалари
12.05 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Рустам Раҳимов интилан нур»
12.35, 16.30 ТВ-анонс
12.40 «Шахсий фикр»
13.10 «Устаси фаранг». Бадий фильм 3-қисм
13.55 ТВ-клип
14.10 «Истеъмолчи».

14.30 Кундузги сеанс: «Қўли гул аёл» Бадий фильм 1-қисм.
15.35 «Ягона оилада»
16.05 «Санъат дўстлигига чорлайди»
16.35 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизикарли учрашувлар»
17.35 «Ғарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 8-қисм.
18.10 «Агар Сиз...»
18.35 «Қуйла ёшлигим»
18.55 «Умр мазмуни»
19.15 «Ўзлотто»
Телелотерея
19.30 Ахборот (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Солиқ хизмати хабарлари»
21.10 «Муносабат»
21.40 «Кўшигимиз сизга армуғон»
21.55 «Журналист таҳлили»

22.15 «Бирни кўриб шукур қил». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот-дайжест»
00.15 - 00.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
8.50, 13.40, 15.15, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат моҳароси»
10.05 «Давр» - интервью
10.20 «Жаҳон жўғрофияси»
11.10 Таянч.
11.30 Болалар экран: «Кичик дўстлар саргузаштлари»
12.10 Сайлов - демократия кўзгуси
12.30, 19.40 Ёшлар овози.
12.50, 20.10 Мусикий

лаҳзалар.
13.15 «Кундуз амакининг хикоялари» Мультсериал.
13.30 «Меҳр кўзда»
Мактубларга шарҳ
13.50 Замондошларим
14.00 «Имконият»
Бадий фильм.
15.20 Хуш келибсиз
15.40 Янги алифбони ўрганамиз
16.10 «Монте Карлодаги цирк фестивали» 1-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.30 Тенгдошлар
17.50 Минг бир ривоят
17.55 Умид ғунчалари
18.15 Сийрат
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Озод юрт фарзандлари
20.00 Спорт-лотто
20.15 Очил дастурхон
20.40 «Муҳаббат моҳароси»
Телесериал
21.30 Озод юрт фарзандлари

21.50 Олтин мерос
22.45 Ринг қироллари
23.35 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узок воқеа». Бадий фильм.
01.05-1.10 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даража бурчак остида»
17.40 «Табриклаймиз, кутлаймиз»
17.50 «Хориж хабарлари»
17.55, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мусикий меҳмонхона»
18.30, 20.00, 20.55, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Химоя»
21.15 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.00 «Бурч ва масъулият»
22.20 Кинонигоҳ: «Ёз ифори». 7-қисм.
23.25-23.30 Хайрли тун,

шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Кувноқ стартлар»
9.50 Баскетбол.
Ўзбекистон кубоги.
10.20 «Спорт клуб: Спорт масканларида»
10.40-11.30 Кучли бешлик.
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Пахтакор»-«Насаф»
Турнидан-турни олиб кўрсатилди. Танаффусда - «Хабарлар» (рус тилида)
18.20 «Баҳодирлар уйини»
19.00 «Қора қузнун». Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Федерация фаолияти».

21.00 «Хабарлар»
21.15 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати. 1-тур.
21.50 «Спорт клуб»
22.00 Жаҳон спорти: Еврофутбол.
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор» 12.30 «Детский час»
13.00 «Я всё решу сама», сериал 14.00 Художественный фильм, комедия 15.30 «Спорт-экстрим» 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Телехамкор» 17.20 «Детский час» 18.00 Киновечер на «30-м»: «Солнечный удар», остророжественный фильм 19.40 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Я всё решу сама», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.15 «Телехамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.10 Киновечер на «30-м»: «В аду», остророжественный фильм 00.00 Программа передач

Payshanba

7

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, ТВ-маркет
8.40 Дутор ва танбур тароналари
8.50 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Тарих кўзгуси»
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизикарли учрашувлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Алифбо сабоқлари

10.25 «Бошпана излаб». Бадий фильм.
11.45 Мусикий танаффус
12.05 «Ҳаракатда-баракат»
12.20, 16.10 ТВ-анонс
12.25 Журналист таҳлили
12.45 «Умр мазмуни»
13.05 «Дунё бўйлаб»
13.25, 16.35 ТВ-клип
13.30 «Буюк тадбиркорлар». Хужжатли сериал
14.10 «Муносабат»
14.40 Кундузги сеанс: «Қўли гул аёл» Бадий фильм 2-қисм

15.50 Парле ву франсэ?
16.15 «Таълим ва тараққиёт»
16.45 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк. Цирк, Цирк»
17.45 «Харита» Халқаро шарҳ
18.10 «Кузги кемачалар». Мультфильм.
18.20 «Зийнат»
18.40 ТВ-синов
18.45 «Эстрада тароналари»
19.05 «Соғлом она - соғлом бола»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемунукот
21.45 Бир жуфт кўшиқ

21.50 Ифтихор
22.15 «Келин-куёв». Телетомоша
23.15 «Ахборот-дайжест»
23.35-23.40 Ватан тимсоллари
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг»
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
8.50, 13.10, 15.55, 19.50, 22.40 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00, 13.00, 16.00 Давр
9.25 «Муҳаббат моҳароси»
Телесериал
10.05 Тенгдошлар
10.25 «Учинчи майёра» маърифий дастури
11.15 Чемпион сирлари

(рус тилида)
11.40 Спорт қитъаси (рус тилида)
12.10 «Олтин миҳ», «Сергайрат кампир» Мультфильм
12.30, 20.00 Ёшлар овози
12.50, 20.20 Мусикий лаҳзалар.
13.30 Сийрат
13.50 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Учқора»
14.00 Бегийм
14.20 «Муҳаббат тилсими» Бадий фильм
13.35 Озод юрт фарзандлари
16.10 «Монте Карлодаги цирк фестивали» 2-қисм
17.00 Кўрсатувлар дастури

17.05 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа
17.25 Фарзандим-хигарбандим
18.20 Табобат оламида
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00, 22.00 Давр
19.35 «Давр» - интервью
19.55 Ишга марҳамат!
19.55 Узимники
20.30 Минг бир ривоят
20.40 «Муҳаббат моҳароси». Телесериал
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.45 Автосалтанат
23.05 «Надомат белгилари». Бадий фильм
00.25 - 00.30 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар

тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даража бурчак остида»
17.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.50 «Хориж хабарлари»
17.55, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол»
18.30, 20.00, 20.55, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Дугоналар»
21.15 «Долзарб мавзу»
22.05 «Эл хизматида»
22.25 Кинонигоҳ: «Ёз ифори». 8-қисм.
23.30-23.35

Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».

7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)

8.55 «Болалар

спорт».

9.10 «Клон». Сериал.

10.20 Мультсериал.

10.40 Дисней клуб.

11.00 Янгилар.

11.05-13.00 «Танҳо». Бадий фильм.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.15 «Спорт - антракт».

17.20 «Ё устидан, ё остидан». Н. Фоменко билан беллашув.

18.00 «Клон». Сериал.

19.00 «Қора қўзғун». Сериал.

20.00 «Время».

20.30 «Болалар спорт».

20.45 Спорт - менинг ҳаётим: «Майдон ортидаги одам».

21.00 «Хабарлар».

21.15 Кураш. Амир Темур халқаро хотира турнири олдидан.

21.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

«Трактор»-«Навбахор».

22.25 «Нокаут».

22.55 «Кучли бешлик».

23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Я всё решу сама», комедия 19.40 «Ошикона», мусикий дас-

венный фильм. «В аду», остросюжетный фильм 15.30 «Спорт-экстрим» 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.20 «Детский час» 18.00 Киновечер на «30-м»: «Осенний марафон», комедия 19.40 «Ошикона», мусикий дас-

тури 20.20 «Я всё решу сама», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.15 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Сила огня», остросюжетный фильм 00.00 Программа передач

Juma

8

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот»

8.35 ТВ-маркет

8.40 Мумтоз наволар

9.00 1. «Болалар спорт».

2. «Цирк, Цирк».

10.05 «Сюарт Литл». Бадий фильм

11.25 Ўзлгингни намоён қил. Жиззах вилояти

11.45 Мусикий танаффус

12.05 «Агар Сиз...»

12.30 КиноТеатр

12.50 Зийнат

13.10 «Раксинг сеҳри олами».

13.30 «Буюк тадбиркорлар».

14.10 Телемулоқот

14.55 «Сеҳрли тун» Бадий фильм

15.55 Оламини асранг!

16.20 «Мувозанат».

16.40 1. «Ёш юлдуз-

лар» 2. Ўйла, Изла, Топ! Телемусобақа.

17.40 Нурли манзиллар

18.10 Тиббиёт одимлари

18.25 Тафсилот

18.45 «Ҳаётимиз қомуси»

19.05 «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».

19.25 Ўзлотто кундалиги ва рекламалар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари

20.15 «Дастурхон атрофида»

20.30 «Ахборот»

21.05 «Солиқ хизмати хабарлари».

21.15 «Сайловлар ва биз»

21.45 Санъатга бахшида умр. Б. Матчонов

22.10 «Рангин кўзгу».

Бадий фильм

23.20 «Ахборот-дайжест»

23.40-23.45 Ватан тимсоллари

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури

7.00 «Мунаввар тонг»

8.30 «Янги авлод» студияси: Шохсупа

8.55 Иқлим

9.00 Давр

9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал

10.05 «Давр» - интервью.

10.20 Яшил водий сари

11.20 Гулгунчалар

11.35 Фарзандим-жигарбандим

12.30 Ёшлар овози

13.15 Кундуз амакининг ҳикоялари. Мультсериал

13.30 Мезон

13.50 Умид гунчалари

14.10 «Эмма». Бадий фильм.

16.10 «Шерлар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм

17.00 Кўрсатувлар дастури

17.05 «Янги авлод»

студияси: У ким? Бу нима?

17.25 Ёшлар куйлаганда

17.45 Томир

18.05 Ёшлар ва ҳуқуқ

18.25 Аскар мактублари

18.50 Мумтоз наволар

18.55, 21.55 Иқлим

19.00, 22.00 Давр

19.35 ТВ-анонс

19.40 Солиқ хизмати хабарлари

20.05 Азизим

20.10 «Устоз». Видеофильм

20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим

21.50 Олтин мерос

22.45 Кинотақдим.

23.05 Интерфутбол

0.45-00.50 Хайрли тун!

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВда сериал: «23,5 даража бурчак остида».

17.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

17.50 «Хориж хабарлари».

17.55, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Болажон-қажажон».

18.30, 20.00, 21.20, 22.50 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.20 ТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».

20.20 «Озод ва обод юрт».

20.35 «Еттинчи ўлчам» интеллектуал баҳс.

21.40 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.

22.30 «Навбатчи қисм».

23.10 Кинонигоҳ. «Ёз ифори». 9-қисм.

00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».

7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)

9.00 «Болалар спорт».

9.15 Баскетбол.

Ўзбекистон кубоги.

9.45 Оғир атлетика. Осиё чемпионати олдидан.

10.05 Жаҳон спорт: «Теннис».

11.05 Спорт-менинг ҳаётим «Алпкомат».

11.25-11.55 «Дунё манзаралари».

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.20 Хужжатли фильм.

18.00 «Болалар спорт».

18.20 «Спорт клуб».

Ринг.

18.50 «Мўжизалар майдони». Телеуйин.

20.00 «Время».

20.25 «Ўзгача ҳаёт».

20.45 «Белида белбоги борлар».

21.00 «Хабарлар».

21.15 «Дадиллик учун соврин».

21.40 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати. 1-тур.

22.15 «3 тайм».

22.35 Жаҳон спорт: «Профессионал баскетбол».

00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Я всё решу сама», сериал 14.00 Художественный фильм. «Сила огня», остросюжетный фильм 15.30 «Ошикона», мусикий дастури 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.20 «Детский час» 18.00 Киновечер на «30-м»: «Берегись автомобиля», комедия 19.40 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 21.10 «Зарубежные клипы» 21.15 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Криминальные связи», остросюжетный фильм 00.00 «Ночной канал» - «Эра вампиров», фантастика

Shanba

9

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот»

8.35 «Ўзбектелефильм» намоёниши.

«Табиат билан юзма-юз»

8.55 1. Ёш юлдузлар.

2. «Ўйла, Изла, Топ!».

Телемусобақа

9.55 «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».

10.15 «Музыка дунёси».

10.35 Солиқ хизмати хабарлари

10.45 «Бу турфа олам»

11.35 «Тўй». Спектакль

12.45 «Тафсилот».

13.05 Хониш

13.35 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал

14.35 Куч - билим ва тафаккурда

14.55 ТВ-клип

15.05 «Дўстлик» студияси: 1. «Умид».

2. «Ўзбекистон умумий уйимиз».

3. «Дурдаршан».

16.05 «Чипполино» Мультфильм

16.45 «Табиат шифонаси».

16.55 Қалб гавҳари

17.20 Болалар учун «Саргузаштлар ороли»

17.50 «Куйла ёшлигим».

18.05 Ўзбекистон маркази

18.15 Рангин дунё

18.35 Интеллектуал ринг. Телеуйин

19.15 «Ўзлото».

Телелотерия

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот»

21.05 «Олтин дала».

Дам олиш дастури

21.40 «Оталар сўзи -

аклнинг кўзи»

22.40 «Ахборот-дайжест»

23.00 «Фантомас Скотланд-Ярд»да. Бадий фильм.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури

7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури

8.30 «Янги авлод» У ким? Бу нима?

8.55 Иқлим

9.00, 19.00 Давр

9.25 «Муҳаббат можароси» Телесериал

10.05 Томорқа

10.15 Табобат оламида

10.40 Солиқ хизмати хабарлари

10.45 Кўрқоқ бегемот. Мультфильм

11.05 Томир

11.25 Ёшлар ва ҳуқуқ

11.45 Автосалтанат

12.20 «Мистер Бин» Бадий фильм 1-2-қисмлар

13.10 Кутилмаган меҳмон

13.35 Бобуршоҳ.

Спектакль

15.05 Қишлоқдаги тенгдошим

15.25 Интерфутбол

17.05 Кўрсатувлар дастури

17.10 «Янги авлод» студияси. Бўш ўтирма

17.35 Дунё ажойиботлари

17.45 Меҳр кўзда учрашувлари

18.15 Бизнес-академия

18.35 Каталог

18.45 ТВ-афиша

18.50 Мумтоз наволар

18.55, 21.55 Иқлим

19.35 «Давр» - репортаж

19.45 ТВ-анонс

20.00 Сени излаб. Бадий фильм

20.40 Ҳандалак

21.15 Оханграбо

22.00 Давр

22.45 «Нажот кемаси» Бадий фильм

0.00-0.05 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 Болажонлар экрани.

17.40 «Табриклаймиз-

кутлаймиз».

17.50 «Мультчархпалак».

18.10 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».

18.30, 20.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.45 «Хуқуқингизни биласизми?»

19.00 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.30 «Экран зийнати ва киймати».

20.15 «Жаҳон географияси».

20.45 «Афиша».

21.05 «Мисли гавҳар».

21.25 «Нима учун?»

21.55 «Биргаликда куйлаймиз».

22.35 ТТВда премьера: «Пешқадам». 1-қисм.

23.50-23.55 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».

7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)

9.00 «Спорт - клуб».

9.10 «Лаззат».

9.30 «Муҳаббат ҳикоялари». В. Гаркалин.

10.10 Хужжатли фильм.

11.00 «Болалар спорт».

11.20 Жаҳон спорт: «Проф-РИНГ».

12.00 «20 йилдан сўнг». Бадий фильм.

13.30-14.00 Дисней клуб.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.10 «Аралаш».

17.30 Хужжатли фильм.

18.10 «Юлдузли десант». Бадий фильм.

20.00 «Время».

20.20 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Ток-шоу.

21.00 «Хабарлар».

21.15 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати. 1-тур.

21.50 «Ўзбекистон ифтихори».

22.10 Жаҳон спорт: Еврофутбол.

23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Шла собака по роялю», приключения 11.30 «Окно в мир» - документальный фильм 12.00 «Криминальные связи», остросюжетный фильм 13.40 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 14.20 Индийское кино: «Три брата» 17.00 Болалар соати, «LEGO LAND, клип совга, икдорли болалар, мультфильм» 17.50 «Теле-хамкор» 18.10 «Ошикона», мусикий дастури 18.50 Киновечер на «30-м»: «Американский ниндзя-3», остросюжетный фильм 20.20 Хит-парад.uz 21.40 «Теле-хамкор», фойдали газета 22.00 «Охота на золушку», сериал 23.00 «Ночной канал» - «Вор», драма

Yakshanba

10

«Ўзбекистон»

6.00 Ассалом Ўзбекистон

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

10.00 Ватанимга хизмат қиламан.

11.00 «Она меҳри»

11.20 «Бу турфа олам».

12.10 Вилоят хонандалари куйлайди.

12.30 «Лаззат сеҳри».

13.00 «Олтин дала».

Дам олиш дастури

13.35 «Муҳаббат ва эҳтирос» (Корея)

14.35 Портретга чизгилар

15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон».

2. «Дидар».

3. «Маўрит».

4. «Айчурек».

16.25 «Алибобо ва қирқ қароқчи».

Мультфильм

16.55 «Шеърға кўчган кўнгил».

17.15 1. «Фаройбекенга саёҳат».

2. «Олтин тож» телевизион ўйин.

18.15 «Шахсий фикр».

18.45 Универсиада - 2004. Видеофильм

19.05 «Масъул сўз».

19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).

20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

20.30 «Тахлилнома»

21.15 «Саҳна ҳаёти».

21.40 Қўшиғимиз сизга армуғон

22.05 «Ўзбекистон» телеканалида илк мартаба: «Вактдан ўзиб».

Бадий фильм.

23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам

олиш дастури.

8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.

8.50, 13.10, 16.10, 19.50, 22.40 ТВ-анонс

8.55 Иқлим

9.00 «Давр» - репортаж

9.10 «Очил дастурхон»

9.30 Бузоқча. Мультфильм

9.45 Кинотақдим

10.05 Оханграбо

10.45 «Учинчи сайёра» Маърифий дастур.

11.25 Заковат

12.30 Ёшлик наволари

12.40 Мистер Бин Бадий фильм 3-4-қисм

13.35 1. Марди майдон.

2. Аскар мактублари.

14.15 Дунё ажойиботлари

14.25 «Эльф». Бадий фильм.

15.55 Азизим

16.25 Ринг қироллари

17.15 Кўрсатувлар дастури.

17.20 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси

17.40 Мульттомоша.

18.10 Спорт ҳафтано-маси.

18.25 Хуш келибсиз!

18.45 ТВ-афиша.

18.50 Мумтоз наволар.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00, 22.00 «Давр» - news

19.25 Кулгич

19.30 «Ҳаёт давом этади...» Озод Шарафиддинов куйлайди.

20.10 Қилни қирқ ёриб... Ўйин

21.05 «Рамзий оқ патлар» Бадий фильм

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр» ҳафта ичида

22.35 «Рамзий оқ патлар» Бадий фильм (давоми).

23.45-23.50 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 Болажонлар экрани.

17.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

17.50 «Эртақларнинг сеҳрли олами».

19.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.55, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.

20.10 «Жаҳон географияси».

20.40 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.

20.55 «Хит-Экспресс-шоу».

21.40 «Саодат кали-ти».

22.10 «Тенгдошлар».

22.40 «TV плюс».

23.10 ТТВда премьера: «Пешқадам». 2-қисм.

00.25-00.30 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».

7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)

9.00 «Полвон бўлмоқ-чиман».

9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».

9.30 «Ҳамма уйдалигида».

10.10 «72 метр».

Фильм ҳақида фильм.

11.00 Янгилар.

11.10 Байрам концерт дастури.

12.50 «Кувнок стартлар».

13.25 «Ракибингиз гроссмейстер».

13.40 «Соғломлаштирувчи йога». Инглиз тилида.

13.50 «Футбол мундиал».

14.20-15.20 Профессионал бокс тарихидан.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.15 «Бинафша».

17.35 Спорт-менинг ҳаётим:

18.00 «Егеръ». Бадий фильм.

20.00 «Время».

20.45 «Кун мавзуси».

21.00 «Хабарлар».

21.15 «Заҳирадаги спортчи».

21.35 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати. 1-тур.

22.10 «Халқ ўйинлари».

22.25 Жаҳон спорт: «Еврофутбол».

00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 «Каменный цветок», сказка 11.30 «Теле-хамкор» 12.00 «Вор», драма 13.30 Хит-парад.uz 14.50 Боллалар соати, «LEGO LAND, клип совга, икдорли боллалар, мультфильм» 15.40 Дневной кинозал: «Человек с бульвара капуцинов» комедия 17.20 «Спорт-экстрим» 17.50 «Теле-хамкор» 18.10 Киновечер на «30-м»: «Боевая элита», остросюжетный фильм 19.40 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Охота на золушку», сериал 21.20 «Теле-хамкор» 21.40 «Музыкальная пауза» 22.20 Воскресный кино-вечер на «30-м»: «Волк», триллер 00.00 Программа передач

● Маънавият сабоқлари

Андижон, Сурхондарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ўтган ташкилий сессияларда кўпроқ раҳбар маънавияти ҳақида гап борганлигини ҳамма билади. Нима учун раҳбарлар лавозимга ўтириши билан ўзига билдирилган ишончни йўқотиб қўяди ёки қинғир йўлларга қадам қўяди. Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлайман. Такдир тақозоси билан мен ҳам маълум бир муддат раҳбар бўлиб ишладим. Ҳарқалай, бу лавозимнинг тошу тарозусидан оз бўлса-да, хабарим бор. Шунинг учун билдираётган мулоҳазаларим ҳаёт синовларидан ўтган гаплардир. Ундан ҳар ким ўзича хулоса чиқариши мумкин.

Оёқ ердан узилганда

Элмуроднинг раҳбарлик лавозимига бўлган йўлини таҳлил қилган ҳар қандай одам унинг меҳнатсеварлигига, ташкилотчилигига ва талабчанлигига, қатъиятчилигига тан бермасдан иложи йўқ эди. Унинг фаолиятини безаб турадиган энг ажойиб хислатларидан

қуллаяпти, деб ўйлайди. Раҳбарнинг мақталаётганлигини кўрган атрофдагилар ҳам бу пойгадан четда туришмайди. Улар унинг қўлига сув пуркашни ҳаммадан ҳам ошириб юборишади. Мана шу жойда раҳбар ўзини олдириди таъминот, энди уни эгардан тушириш қийин бўлади. Элмурод ҳам шундайлар тоифасига кириб қолди.

Оддий бир деҳқоннинг бо-

Мансаб курсисига ўтирган одам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслиги керак. Раҳбарга лавозимни, обрўни шу эл-юрт беради, лекин лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу олий ҳақиқат десак, асло хато бўлмайди.

И. КАРИМОВ.

га чидай олмайди, деган гап бор. Амалнинг ҳавоси юрагингизга кирди, лавозимингизга фотиҳа ўқийверинг. Элмурод буни жуда кеч тушунди.

Эл қўлласса...

Турғун акани одамлар лавозимидан бўшатмай туриб олишди. Кексайиб қолганлигини, соғлиги тез-тез панд бераётганлигини айтса ҳам қўйиб юборишмади. Охири уни фахрий раисликка сайлаб, ўрнига шогирдларидан бири Хўжааҳмадни сайлашди.

Янги раис ҳам Турғун акани таълимини олган, узоқ йиллар деҳқончилик ичида ишлаб, ҳарқалай раҳбарлик ҳадисини олганлардан эди. Ишлар давом этди, лекин одамлар Турғун аканинг фахрий раислигига қарамай, унинг олдига аввалгидек киришаверар, муаммоларини

ган одамнинг ҳамма томонини сўраб-суриштиришади-ю, лекин унинг устози ким экан, деб ҳеч ким қизиқмайди. «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар» деганларидек, амалга минган амал-парастларнинг ҳар хил ўйинлари шу мақолнинг амалдаги талқинидир.

Устоз таълимини одобу ахлоқи билан ўзига сингдирган Хўжааҳмадни эса яқинда туман миқёсидаги катта лавозимларнинг бирига тайинлашди. У эса ҳамон ўша устозининг маслаҳатига ошиқади. Раҳбарлик ҳақида гап кетганда, ёмонларни дарров кўз олдимизга келтиришдан аввал, яхшилари эса олайлик. Улар – кўпчилик.

Раҳбарлиكنинг тоши оғир

Юртбошимиз Андижонда шундай дедилар: «...Раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг асосий, энг муқаддас вазифаси – уларни тарбия қилган, билим берган, ишонч билдириб, юксак мартабага муносиб кўрган эл-юртига виждонан, ҳалол хизмат қилиш ва доимо зиммасига олган юксак масъулиятни сезиб, ҳис этиб яшашдир». Бу амалга минган одамнинг доимо эсида туриши лозим бўлган ҳақ гапдир. Сурхондарёдаги йиғилишда раҳбар қачон эл-юрт ишончини қозона олади, деган саволга Юртбошимиз шундай жавоб бердилар: «Қачонки юраги, қўли тоза, кўнгли очик, ақл ва заковат соҳиби бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан билим, талабчанлик билан адолат уйғун бўлса у ўзи бошқарадиган одамларнинг гам-ташвишларини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлса». Самарқандда айтган қуйидаги гапларини эса бизнинг юқоридаги мулоҳазаларимизга қўйилган нуқта деб ҳисоблайсиз: «Халқдан ажралиб қолган раҳбарлар жойларда ишлаётган, ёниб-қуйиб меҳнат қилаётган минглаб одамларнинг адолатга, ҳаётга ва эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиши мумкин».

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

● Савол беринг, жавоб берамиз

Хорижга чиқмоқчи бўлсангиз

Хурматли таҳририят ходимлари, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 11 сентябрь сониди қандай ҳужжатлар билан қўшни мамлакатлар, шунингдек, Россия билан Украинага сафар қилиш мумкинлиги ҳақидаги ахборотни ўқидик. Уни газетангизда эълон қилиб, кўп хайрли ишга қўл урибсиз. Ана энди хориж сафарига отланаётган ҳар бир киши олдиндан қандай ҳужжатларни расмийлаштириб олиши кераклигини яхши билади.

Сизлардан бир илтимос шуки, мамлакатдан қайси ўтиш пунктлари орқали хорижга чиқиш мумкинлиги, шу пунктларнинг иш вақтларини ҳам газетангизда эълон қилсангиз.

**Ҳабиб Каримов,
Тошкент тумани.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали хорижга икки томонлама ёки халқаро чиқиш-кириш пунктлари етарли. Унинг тартиблари қўшни мамлакатларнинг тегишли ваколатли идоралари билан тузилган битим ёки протоколларда белгилаб қўйилган. Айтилиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кўриқлаш кўмитаси ва Давлат божхона кўмитаси билан Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Давлат чегараларини кўриқлаш кўмитаси, Давлат даромадлари ва тушумлари вазирлигининг Божхона департаменти ўртасидаги протоколга (2002 йил 23 августда кучга кирган) мувофиқ Сирдарё вилоятининг Ховос туманида «Ширин-автойўл», «Ховос-обод-автойўл» ва Тошкент вилоятининг Бекобод туманида «Фарҳод-автойўл» икки томонлама ўтиш пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шу ўтиш пунктларининг иш тартиби қуйидагича: томонларнинг қонунларида белгиланган тартибларга биноан Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси фуқаролари ва транспорт воситаларининг Давлат чегараси орқали ўтиши ёз мавсумида (1 апрелдан 30 сентябргача) 06.00 дан 19.00 гача, қиш даври — 1 октябрдан 31 мартгача эса, 07.00 дан 18.00 гача амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари тўғрисида 2002 йилнинг 12 февралда имзоланган Битимга мувофиқ Бекобод туманидаги «Ойбек» ва «Бекободтемирйўл» халқаро пунктлари орқали кеча-кундуз ўтиш мумкин.

Қозғоғистон Республикаси Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Май-автойўл» икки томонлама ўтиш пункти орқали 07.00 дан 21.00 гача, «Фишткўприк», «Келес-автойўл», «Яллама-автойўл» халқаро ўтиш пунктлари орқали 07.00 дан 21.00 гача, «Келес темирйўл» халқаро ўтиш пункти орқали эса кеча-кундуз ўтиш мумкин.



ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

бири — камтарлик эди. Эл-юрт ўртасида ҳам ҳурмат-этиборга сазовор бўлди. Катталарнинг назарига тушди. Кўп ўтмай катта бир ташкилотга раҳбар этиб тайинланди.

Иши ўзгарса ҳам ўзи ўзгармади. Янги жойда янги ташаббусларни бошлади, жон куйдириб янги ўзгаришлар қилди. Газета-журналларда, катта-катта йиғинларда номи тез-тез тилга олиниб, шуҳрат чўққисига кўтарилаверди. Шу ўртада унинг ҳаёлидан «ҳамма ишни қойиллатиб қўйдим», деган тушунча ҳам тез-тез ўтиб турди. Аста-секин хотиржамликка берилди. Атрофдагиларнинг мақтови унга ҳузур бағишлайдиган бўлди. Арзимайдиган танқидларга эса чидай олмайдиган одат чиқарди. У энди буйруқбозлик йўлига ўтди. Ҳар қандай маслаҳатли кенгаш унга ортиқчадай туюлди. Юриш-туришида ҳам, одамлар билан муомаласида ҳам кибор пайдо бўлди. Раҳбарлиكنинг киши кўзини кўр қилиб қўядиган бир томони борки, айтган ҳар бир гапим тўғри деб ҳисоблайди ва қилаётган ишимни ҳамма маъ-

ласи бўлса ҳам, оддийларнинг ҳолидан йироқ бўлди. Айниқса, онасининг ўлим маросимлари билан қийналиб қолган бир одам ёрдам сўраб кирганида «нима, сенга давлат соғин сизирми», дея ҳайдаб юборгач, қўл остидагиларнинг ихлоси қайта бошлади. Уқув-сизлигидан эмас, тажрибасизлигидан берилган топшириқни чала бажарган ходимга қўл кўтариши эса, уни яна ҳам обрўсизлантирди. Бундай ишлар тез-тез такрорланиб турди. Юқоридагилар ҳам бундай ишлардан хабардор бўлишди. Уни лавозимидан бўшатиш учун бўлиб ўтган йиғилишда Элмурод «барибир кўпчилик мени қўллаб-қувватлайди, бўшатишларига йўл қўймайди», деган ҳаёлда кўкрак ке-риб ўтирди. Лекин бундай бўлмади, ҳеч ким унинг тарафини олмади, ёқламади. Бундан шундай хулоса қилиш керакки, раҳбар доимо бир хил бўлиши, ошиб-тошиб, камайиб-кўпайиб кетиши керак эмас. Ҳақиқат ҳарсанг тошдай елкасига тушганда чидаган халқ, адолатсизлиكنинг тоши-

унга айтишаверарди. Мулоҳазали одамлар бу ҳолатларни кўриб, устоз-шогирд ўртасида кўнгилсизлик бошланмаса гўрайди, деб хавотирга ҳам тушиб қолишди. Хўжааҳмад обрў-этиборга, халқнинг ишончига фақат ҳалол меҳнат билан, элнинг дардини эшитиб, ёрдам қўлини вақтида чўзиш билан эришиш мумкинлигини тўғри тушуниб, устозини ёнидан қўймади. Аста-секин одамлар унга эргаша бошлади. Орадан икки йил вақт ўтиб эса, у ҳамма-нинг севимли раҳбарига айланди. Шу ерда бир мулоҳазали гапни айтмасам бўлмас. Раислик лавозимига ўтирган Хўжааҳмад биринчи кундан ғайирлиги келиб, устози Турғун аканинг олдига кирган одамларга ёв қараш қилганида ёки мен раисми, у раисми, деб тўнини тескари қийиб олганида хўжаликдаги ишлар ҳам пароканда бўларди, бугунгидай обрўга эга бўлмасди.

Устоз-шогирд ҳақида гап кетар экан, кейинги йилларда раҳбарлик курсиларига ўтир-

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

Футболчиларимизнинг навбатдаги ютуғи

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган XIV Осиё чемпионати қизғин паллага кирди.



«С гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимиз футболчилари кеча навбатдаги иккинчи учрашувни Ҳиндистон ёшлар терма жамоаси билан ўтказдилар ва 2:1 ҳисобида зафар кучдилар. Шу гуруҳдаги иккинчи учрашувда Сурия ёшлар терма жамоаси

Лаос ёшлари билан баҳс юритиб, 4:1 ҳисобида иккинчи галабани қўлга киритишди. Биринчи учрашувда улар Ҳиндистонлик футболчиларни 2:1 ҳисобида мағлуб этган эдилар. Икки турдан сўнг Ўзбекистон ва Сурия ёшлар терма жамоалари 6 очко тўплаб, гуруҳ пешқадами бўлиб олдилар. Гуруҳдаги учинчи, ҳал қилувчи учрашувда айнан шу икки жамоа ўзаро баҳс юритади. «D» гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар билан курашни давом эттиради.

Талъат ЮСУПОВ.

Республика касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган спорт беллашувлари ниҳоясига етди.

Ғолиблар аниқланди

Оммавий спортни кенг тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида соғлом мухитни шакллантириш мақсадида ташкил этилган Мусобақаларда шахмат йўналиши бўйича иштирок этган қибрайлик Муяссар Ортикова рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Спартакиада натижаларига кўра, Муяссар республика миқёсидаги мусобақанинг мутлақ ғолиби деб топилди ва ташаббускорларнинг қимматбаҳо совғаларини қўлга киритди. Яна бир қибрайлик ёш шахматчи Шоҳрух Холмирзаев иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ўз мухбиримиз.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
songi
xabarlar

ФАЛАСТИН:

НИЯТИ ЎЗГАРМАГАН

ХАМАС террорчилар гуруҳи Ёсир Арофатга қарши сиёсий тадбир қўлламоқчи. Мазкур гуруҳ раҳбарияти Фаластин мухторияти президенти сайловларда иштирок этиб, ҳозирги раҳнамон раҳбарлик лавозимидан туширмоқчи. ХАМАС ўзининг асосий мақсади — Яқин Шарқда яхудий давлатини буткул йўқ қилиш ниятидан воз кечмоқчи эмас.

ГРЕЦИЯ:

БУ — ИККИНЧИСИ

Сешанба куни Грециянинг Olympic Airlines авиакомпаниясига қарашли самолёт портлаш хавфи туғилганлиги сабабли Ирландиянинг Шеннон аэропортига шошилиш мажбур бўлди. Сўнгги уч кун мобайнида бу иккинчи ҳодисадир. 26 сентябрда ҳам айнан шу авиакомпаниянинг Airbus A340 самолёти Лондоннинг Стенстед аэропортига мажбуран қўнганди.

РОССИЯ:

ТАҲДИД САБАБИ НИМА?

Россиянинг молия соҳасидаги энг нуфузли нашрларидан бири бўлмиш «Компания» журнаlining эгалари унинг бош муҳаррири Андрей Григорьевдан лавозимини тарк этишини талаб этмоқдалар. Кузатувчиларнинг фикрича, бунга бош муҳаррирнинг Бесландаги мактабни озод этиш чоғидаги хатти-ҳаракатлар муносабати билан мамлакат президенти Путин номига танқид билан чиққани сабаб бўлаётди. Григорьевнинг ўзи эса, уни ишдан бўшатишларининг боиси ё Путинни танқид қилганлиги, ё журнал соҳибларининг нашрни пулламоқчи эканликларидир, деб изоҳламоқда.

ЯПОНИЯ:

ЎҚУВЧИЛАР

МУҲОФАЗАСИ УЧУН

Хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида Токиодаги бошланғич таълим мактабларида ўқувчиларни радиотўлқинли фарқлаш тизими фойдаланишга топширилди. Мазкур тизим ўқувчилар мактабга келган ва уни тарк этган вақтларини аниқ қайд этади. Ундан ташқари, у ўқув муассасасига бегона шахслар кираётгани ҳақида дарҳол огоҳлантиради.


Саккизинчи мўъжиза

Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги машҳур Тож Маҳал мақбараси бунёд этилганига 350 йил тўлди. Айни кунларда мамлакат шимолидаги Уттар-Прадеш штатида мазкур сана катта тантаналар билан нишонланмоқда.

Бу бетакрор обида Бобурийлар сулоласининг забардаст вакили, 1628-1658 йилларда ҳукмронлик қилган Шох Жаҳон томонидан севгилиси Аржуманд Бону (Мумтоз Маҳал)га атаб қурилган.

23 йил давомида тикланган ушбу мақбара қурилишида йигирма мингдан ортиқ киши қатнашган. Шарқ меъморчилигининг энг гўзал ва латиф жиҳатларини ўзида мужассам қилган бу осори атиқани бунёд этишда Самарқанду Бухородан борган қўли гул усталар ҳам фаол иштирок этган.

Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси сифатида эътироф этилган Тож Маҳал мақбараси асрлар оша муҳаббат ва садоқатнинг мангу тимсоли бўлиб келаётди.



Тож Маҳал.

Шарҳловчи минбари

Италиялик аёллар озод этилди

Ироқда жангарилар гаровга олган икки нафар италиялик аёл озод этилди.

Ироқдаги инсонпарварлик ташкилотларидан бирининг ходимлари бўлган Симон Пари ва Симон Торретта 7 сентябрда куни ўғирлаб кетилган эди. «Ансор аз-Завахрий» гуруҳи Италиядан шу икки аёл орқали ўч олинишини маълум қилганди.

Куни кеча Италиянинг Ироқдаги Қизил хоч ташкилоти вакиллари топширилган икки аёл ватанига жўнаб кетди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, улар пойтахт Римдаги Чампино аэропортида мамлакат бош вазири Силвио Берлусконни билан учрашган.

Бир неча кун олдин террорчи гуруҳларнинг интернет-сайтларида гаровдаги аёллар ўлдирилгани ҳақида хабар пайдо бўлган эди. Аммо Ита-

лия ҳукумати бунинг ҳаққонийлигига шубҳа билдирди.

Италия бош вазири журналистларга берган интервьюсида, бу икки аёлнинг озод этилишида Қизил хоч ташкилоти ва Иордания махсус хизмати вакиллари хиссаси катта бўлганини таъкидлади. Мудофаа вазири Антонио Мартинининг сўзларига қараганда, бунда Италия ҳарбий разведка хизмати ҳам муҳим ўрин тутган.

Таъкидлаб ўтиш керак, ўтган сешанба куни Ироқда уч нафар мисрлик фуқаро озод этилди. Улар Ироқдаги телекоммуникация компанияларидан бирида хизмат қилар эди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Ядровий ёқилғини сақлашнинг янги технологияси

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири радиактив ёқилғи қолдиқларини хавфсиз сақлаш масаласидир. Гарб олимлари ва муҳандислари ушбу мураккаб муаммага ечим топди. Улар атом электр станцияларида (АЭС) қайта ишланган ядровий ёқилғини узоқ муддат сақлаш технологиясини ишлаб чиқди.

Кашфиёт жаҳон атом энергетикаси учун янги имкониятларни яратиши шубҳасиздир. Ядровий ёқилғини сақлашнинг самарали усули бўлмагани боис ушбу камчилик соҳа ривожига тўсиқ бўлаётганди. Шу пайтга қадар мавжуд технология ёрда-

мида қолдиқларни фақат 200 йилгача сақлаш мумкин эди.

Радиактив модда қолдиқларини сақлаш технологияси АҚШнинг «Баттелл» илмий маркази мутахассислари томонидан яратилди. Буюк Британиянинг «Амек» компанияси эса ундан фойдаланиш учун дастлабки лицензияни қўлга киритди.

Маълумотларга қараганда, қайта ишланган ёқилғи кум ва тупроқ билан аралаштирилиб, эгилувчан металлдан тайёрланган қутиларга жойланади. Бунда радиактив моддалар 20 фоизни, кум ва тупроқ эса 80 фоизни ташкил этиши керак. Икки махсус электрод ёрдамида улардан ҳосил бўлган қоришма 3 минг даражагача қиздирилиб, шиша ҳолатига келтирилади. Ушбу жараёнда ҳосил бўладиган газлар эса осонлик билан жиловланади.

Қаттиқ ҳолатга келиб қолган аралашма хона ҳароратида 200 минг йил мобайнида сақланиши мумкин. Ушбу шароитда атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етмайди.

Акмал НАЗАРОВ (ЎЗА).

Бир кеча-кундуз неча соат?



Бу саволга кўпчилик ҳеч иккиланмай, қатъий ишонч билан 24 соат деб жавоб беради. Бу жавоб тўғрими? Йўқ, албатта. Ер ўз ўқи атрофида 24 соатда эмас, балки 23 соат 56 минут 4 дақиқада бир марта айланиб чиқади. Бу вақт юлдуз суткаси деб аталади. Унинг бошланиши йил давомида турли вақтларга тўғри келади. Инсон ҳаёти, Ернинг табиати юлдуздан кўра қуёшга кўпроқ боғлиқ. Шунинг учун инсон қуёш вақтига амал қилади. Ҳақиқий қуёш вақти эса, юлдуз вақтидан фарқ қилади.

Қиролича — футбол ишқибози

Иордания қироли Абдуллоҳ II нинг синглиси қиролича Хайя Араб мамлакатларида футбол бўйича биринчи аёллар жамоасига асос солди. Иордания, Ливан, Ливия, Марокаш, Жазоир ва Фаластиндан ташриф буюрган футболчи қизлар араб давлатларининг терма жамоаси таркибига киришди. Хайя спорт билан жиддий шуғулланади. У маҳоратли югурувчи бўлиб, жуда кўплаб халқаро мусобақаларда иштирок этган. Бундан ташқари, қиролича Иордания футбол жамоасида ҳам тўп сурган.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Қўшиқ айтиш хосияти

Австралиялик руҳшунослар сурункали оғриқлар ва депрессиялардан қуйлаш ёрдамида халос бўлишни тавсия этадилар. Ашула айтиш билан шуғулланиш умуртқа ва бўғин касаллигидан азият чекаётган бир гуруҳ беморлар ҳолатини яхшилашга ёрдам берган. Беморларга ҳар ҳафтада уч марта ярим соатдан қўшиқ айтиш тавсия этилган. Биринчи сеансдан кейин оқ ҳолсизлик ва зўриқиш барҳам топган, қўшиқ айтувчилар анча бардам бўлганларини ҳис қилишган. Даволашнинг бундай ноанъанавий усули натижалари Сидней госпитали ходимларини ҳайратга солган ва уларнинг кўпчилиги уни ўзларида синаб кўришни истаганлар.



«Китобхонлик кунлари» якунланди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Китобхонлик кунлари» доирасидаги тадбирларнинг якунловчи қисми бўлиб ўтди.

«Китобхонлик кунлари»ни ўтказишдан мақсад, талаба, ўқувчиларни, кенг китобхонлар оммасини кутубхоначилик ишида эришилган ютуқлар ҳамда янги нашр-

дан чиққан адабиётлар билан таништиришдир. 20 дан 30 сентябргача, яъни 10 кун давомида «Ўзбекистон 13 йил ичида», «Энг замонавий китоб»,

«Китоб фестивали», «Бизнинг нашрлар», «Билимлар дунёсига марҳамат», «Замонавий электрон олами» каби мавзулардаги кўргазмалар, семинарлар, тақдиротлар, учрашувлар бўлиб ўтди.

Америка Кутубхоначилик ассоциацияси ва АҚШ Конгресси кутубхонаси вакиллари билан ҳамкор-

ликда ўтган «Vorkshop — семинар-тренинг», «Кутубхоналарнинг келажаги борми?», «Очиқ эшиклар куни» каби тадбирлар катта қизиқиш уйғотди.

50-мактаб ҳамда «Sanvikt» ногирон болалар илмий-тадқиқот маркази томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, куй-кўшиқлар, шеърхонлик тадбирга кўтаринки руҳ бахш этди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Суд залидан

Ишга совуққонлик учун жазо



Умиджонни «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигида яхши ният билан ишга қабул қилишди. У икки йилча ёниги қўйиш шохобчаси мудирига ёрдамчи бўлиб ишла-

ди. Ўтган йилнинг августида минерал ўғитлар омбори мудириликка ўтказилди.

Нима бўлса бўлди, лекин шу бир йил ичидаги фаолияти уни қора курсига ўтказди. Энди у «ёшлик қилдим», «тажрибасизлигим панд берди» қабилда тавба-тазарру қилиб ўтирибди. У 9545 килограмм, жами 844 минг 870 сўмлик аммиак селитрасини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборишда айбланмоқда.

Тўғри, дастлабки тергов чоғида у ширкат хўжалиги бош ҳосилотининг топшириғи билан 4 тонна селитрани шартнома билан ишлаётган деҳқонларга ҳеч қандай ҳужжатсиз бериб юборганман, бригадир Ирина Хан ҳам бир тонна ўғитни ҳужжатсиз олиб кетган, деб кўрди. Аммо тергов ва суд жараёнида омбор мудирининг хизмат вазифасига совуққонлик билан қараб, қимматбаҳо минерал ўғит талон-торож қилинишига сабабчи бўлганлиги ойдинлашди, Умиджон Ўрунбоев ўз қилмишларига тўла иқдор бўлди. Суд уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2-қисми «А» ва «Г» бандлари билан айбдор деб топди.

Аммо ўз айбига тўлиқ иқдорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, хўжаликка етказган зарарни тўла қоплаганлигини ва айбини енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, суд Умиджон Ўрунбоевни икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди. Жазо иш жойида ўталиб, ойлик маошидан давлат фойдасига 25 фойздан ундириладиган бўлди.

Зухриддин АШИРОВ,
Куйичирчиқ туман
прокурорининг ёрдамчиси,
3-даражали юрист.

4. Сир тутилган ютуқлар

Мени аспирантурага йўллаган Тошкент политехника институтига келганимда менга лойиқ иш топилмади. Чизма геометрия кафедрасига ўқитувчи қилиб олишди. Бўш вақтаримда турли билим юртларида дарс бериб, уч ой ишладим. Бир куни Елизаров деган кафедра мудири келиб, мени институт ректори, академик Мамажон Ўразбоев чақиртираётганини айтди.

— Сиз тўғринида кўп яхши гаплардан хабардорман, — деди Ўразбоев қизиқиш билан менга бир назар ташлаб, кейин гапида давом этди. — Лекин бу қадар ёш деб ўйламаган эдим... Сизга институтнинг илмий қисмини бошқаришни топширмоқчиман.

университетидан кейин, иккинчи ўринда бўлган Тошкент политехника институтининг илмий ишлари билан танишиб, то оёққа тургунимча, бир-икки ой вақт ўтди. Институтда фаолият кўрсатаётган уч мингга яқин олим ўқитувчиларнинг деярли саксон фоизи, уч юз эллик аспиранту докторантларнинг барчаси турли соҳаларда илмий изланишлар олиб боришар эди. Уларнинг ҳар бири агар йилда бир мартагина келганда ҳам бир кунда ўндан ортиқ одамлар билан гаплашишим, уларнинг илтимосини бажаришим, муаммоларини ҳал қилиб беришим керак эди. Аслида эса олдимга келадиганлар шу қадар кўп бўлар эдики, мен тушликка чиқмайдиган, ишда қолиб кета-

чиқиб кетди.

— Сизга Фёдоровдан салом! — деди Коченов мулоим жилмайиб ва овозини бироз пасайтирган ҳолда, охишта гапида давом этди. — Мен Ўзбекистон кўмитасиданман. Ишларинида сизга ёрдам бериб, ҳолингиздан хабар олиб туриш шахсан менга топширилган.

Шундан кейин у, аллақандай қоғозларга қўл қўйдириб, махсус почта орқали Москвадан келган оғир бандеролни қўлимга берди. Москвада Остроуховдан сўраган барча маълумотлар шу ерда эди. Манбалар бекаму кўст бўлганлигини кўриб, хурсанд бўлиш ўрнига дилим хира эди.

— Ишни қачондан бошласам экан? — дедим мен негадир.

— Зудлик билан, қадрдоним, зудлик билан! — деди Коченов илиқ кафти билан қўлимни қисиб. — Вақт кетаяпти!

Коченов мен билан хайрлашиб, ўз телефон рақамини берди. Ишхонасини қандай топиш мумкинлигини тушунтирди ва эшиколди пост рўйхатига менинг номим ёзилган бўлиб, исталган пайтда у билан учраша олишимни уқтирди...

Олдимга қўйилган вазифани жуда қисқа вақтда бажариш бир ўзимга оғир эди. Бунинг учун менга ёрдамчилар керак бўлди. Институт кафедраларининг ўқитувчилари ёки академиянинг лабораторияларидаги ходимларни жалб қилиш фикрига Коченов қатъий қарши бўлди. Бунда маълумотлар четга чиқиб кетиш хавфи юқорилигини тушунтирди. Яхши, беминнат аспирантлар кучидан фойдаланишни маслаҳат қилди. Шундан кейин мен, бир йўла тўрт аспирант олиб, вертолётларни турли соҳаларда қўллаш бўйича уларга илмий мавзулар бердим. Амалда эса, фақат моделлар ясаб, аэродинамик қувурда синаш ишларигагина аспирантларни жалб қилдим. Асосий мақсадга тааллуқли ишлардан улар беҳабар эдилар.

Аъзам АЗИМИЙ,
техника фанлари доктори,
профессор.
(Давоми бор).

МУТЛАҚО МАХФИЙ

(Воқеий қисса)

Шунга нима дейсиз?

— Эплай олармиканман?

— Эплайсиз! Қийналсангиз мен, муовинларим ўз маслаҳатлари билан ёрдам берамиз.

Сўнгра М. Ўразбоев муовини бўлмиш академик Хосил Боймуҳамедовни чақириб, мени таништирди. Хонасидан чиқаётганимизда эса ректор стол тортмасидан иккита салмоқли пакетни олиб, менга узатди.

— Бу бандероллар сизга Германия ва Франциядан келган. Шухратингиз ҳозирдан чет элларга ҳам маълум бўлганидан ниҳоятда мамнунман ва бундан кейинги ижодингиз ҳам сермазмун бўлсин! — деб қўлимни қисди-да, Боймуҳамедовга деди. — Чет тиллари кафедрасига топшириқ бериб, йигитнинг нарсаларини таржима қилдириб бериш.

Академик Х. Боймуҳамедов билан қабулхонам битта бўлиб, шинамгина ишхонага эга бўлдим. Ўша пайтда талабалар сони бўйича Иттифоқда, Москва давлат

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Хангомалар

Ўзимизга қолди



Ярим тунда уйкуси қочиб, ҳовлига чиққан Мўминтой молхонасига ўғри дориганини сезиб қолди. Дарҳол уйга кириб, қўшотарни ўқлаб чиқди-да, бузоқни етаклаб кетаётган

шарпа томон ўқталиб, тепкини босди.

Шу заҳоти нимадир гурс этиб ағдарилди. Мўминтой тез бориб қарасаки, ерда бузоқ ётибди. Ўқ теккан жонивор оёғини бир-икки силтади-ю, тинчиди, қолди. «Хайрият билиб қолганим, бўлмаса бузоқдан айрилиб қолардик», деди орқасидан югуриб келган хотинига.

Қайнона кийсин...

Келин эри билан жанжалла-

шиб қолди. Сабаби онаси «Қайнонаси кийсин, келини куйсин» деган алламбало матодан кўйлак тиктириб кийган экан.

Бошини қимирлатди

Эрта билан ишга жўнаётган хотин зинада ётган эрини таниб қолди:

— Азизим! Кечаси эшикни анча вақтгача тақиллатиб турган сизмидингиз?

— Ҳа.

— Вой ўлмасам, унда сиз-

Бекажон

Асл ҳусн

Қошнинг қалинлигида

Ҳар бир инсон ўз юзига мос қошу кўз билан дунёга келади. Бинобарин, қошларни пардозлашда уларни юз тузилишига мос равишда парваришлашга алоҳида эътибор бериш лозим.



Мабодо бу ишни аёлларимизни ўзлари эплай олмасалар, қош терувчи усталарга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Қошни тердиришдан аввал устандан қандай қош ярашиқли бўлишини сўраган маъқул. Зеро, қошларнинг эгар қош, плик қош, камон қош, қалам қош, туташ қош каби турлари кўп. Қош устаси ҳам даставвал мижоз билан маслаҳатлашиб, кейин иш бошлаши керак.

Ингичка қош камдан-кам аёлларга ярашади. Бунинг учун қошни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, ортиқча тукларни билган ҳолда териш лозим. Керакли беш-ўнта тук эмас, битта-иккитаси ҳам олиб ташланса, қошга чиройли шакл бериш мушуқлашади. Бунда ҳар бир тукнинг алоҳида ўрни борлигини унутмаслик керак. Умуман олганда, ингичка қош ўзбек хотин-қизларига айтарли даражада ярашмайди. Улар қадимдан қалин, камондек қора қошлари билан таъриф-тавсифларга сазовор бўлишган.

Қош пардози фақат териш, чиройли шакл бериш билан чегараланмайди. Унинг парваришида мунтазам равишда ёғ суриб туриш муҳим ўрин тутаяди. Бу борада ўсимлик ёғларидан пахта, pista, зайтун, соя мойларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қошни ҳар куни ёғлаш керак. Бунга кўп вақт кетмайди. Озгина ёғ солинган шишача ва плик чўп кўзга қўйнарли жойда турса, қошга ёғ суртишни сира унутмайсиз. Шунингдек, турли витаминларга бой ҳўл мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш ҳам соч билан бир қаторда қошнинг ўсишига самарали таъсир кўрсатади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 1993 йил 26 апрелда «Высоковольтный» мавзеси 26-уй, 44-хонадонда истикомат қилувчи Малиция Ольга Владимировна номига берилган 0401/18880 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

Утеранный гос. ордер № 06-01/7188 выданный 1.02.93 года Сергеевским хокимиятом г. Ташкента на имя Исмаиловой Дилбар Кутбитдиновна
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

мисиз деб сўрасам, индамадингиз-ку?

— М... м... мен, ахир бошимни қимирлатдим-ку...

Севги туфайли

Йигит кизга:

— Сиз билан танишганимдан бери чекмай ҳам, ичмай ҳам, хатто овқат емай қўйдим.

— Мени шунчалик севар экансиз-да?

— Йў-ғей, пул етмаяпти.

Асрор СУЛАЙМОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.